

**БЮДЖЕТ МАБЛАГЛАРИНИ САМАРАЛИ ИШЛАТИШДА
РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ
ИСТИҚБОЛЛАРИ**

Rahimov Shahzod Maxsudjanovich

Mустақил тадқиқотчи

Барча мамлакатларда бўлгани каби Ўзбекистон иқтисодиётнинг рақамли трансформациясининг замонавий шароитида иқтисодий хавфсизликни таъминлаш, хусусан, бюджет маблағларини ноқонуний талон-торожлардан ҳимоя қилиш муаммоси тобора долзарб бўлиб бормокда. Давлат ҳар йили юзага келаётган муаммоларга тезкорлик билан жавоб бериш мақсадида иқтисодиётнинг кенг кўламли тармоқларини қўллаб-қувватлаш учун катта миқдорда бюджет маблағларини ажратади, бироқ уларнинг сарфланишини назорат қилишнинг самарали тизими ҳалигача ишлаб чиқилмаган.

Иқтисодий жараёнларнинг рақамли трансформацияси, иқтисодий тизимларнинг консолидацияси, ахборот-коммуникация технологияларининг ривожланиши натижасида нафақат жамиятни ижтимоий-иктисодий ривожлантириш, балки иқтисодий жиноятлар содир этиш учун ҳам турли хил фрибгарликлар учун янги имкониятлар яратилмоқда.

Ушбу муаммоларни ҳал қилиш учун бюджет маблағларини талон-торож қилишга қарши курашишнинг турли воситалари ва усуслари ишлаб чиқилмоқда. Бироқ, бизнинг фикримизча, кўриб чиқилаётган ноқонуний хатти-харакатларга қарши курашнинг энг истиқболли йўналиши бу рақамли технологияларни (блокчейн, сунъий интеллект, катта маълумотлар таҳлили (big data) ва бошқалар) кенг қўллаш ҳисобланади.

Рақамли технологиялар бир қатор афзалликларга эга бўлиб, уларни бюджет маблағларини талон-торож қилишга қарши курашда самарали воситага айлантиради. Уларнинг афзалликлари қўйидагиларда намоён

бўлади, жумладан:

Биринчидан юқори даражадаги ошкоралик. Рақамли технологиялар янада шаффоф молиявий бошқарув тизимини таъминлайди (рақамли тизимлар транзакцияларнинг аниқроқ ва тўлиқ қайд этилишини таъминлайди), ҳар қандай қоидабузарлик ёки фирибгарлик фаолиятини аниқлашни осонлаштиради. Рақамли тизимлар ёрдамида транзакцияларни осонгина кузатиш ва таҳлил қилиш мумкин, бу эса ҳар қандай номувофиқлик ёки ноқонуний фаолиятни аниқлашни осонлаштиради.

Иккинчидан, реал вақт режимида мониторинг. Рақамли тизимлар реал вақт режимида мониторинг қилиш имкониятларини тақдим этади, бу эса ҳар қандай шубҳали фаолият содир бўлиши биланоқ аниқланишига имкон беради. Бу ноқонуний хатти-ҳаракатларнинг олдини олиш ва бундай ҳаракатлар натижасида етказилган зарарни минималлаштириш учун тезкор чораларни кўришни осонлаштиради.

Учинчидан, юқори даражадаги хавфсизлик. Рақамли тизимлар молиявий хужжатларга рухсатсиз киришнинг олдини олишга ёрдам берадиган кенгайтирилган хавфсизлик чораларини таклиф қиласди. Бу фирибгарлар ва фрибгарлик учун молиявий маълумотларни (ёзувларни) сохталаштириш ёки транзакцияларни ўз манфаати учун ишлатишни (манипуляцияни) қийинлаштиради.

Хозирги кунда турли хил рақамли (молиявий) технологиялар яратилмоқда ва ривожлантирилмоқда, улар айрим мамлакатлар томонидан бюджет маблағларини талон-торож (ўғирлашга) қилишга қарши курашишда фаол, самарали фойдаланилмоқда, жумладан:

– Блокчейн технологияси: молиявий операцияларни қайд этиш ва кузатишнинг хавфсиз ва шаффоф воситаларини таклиф қилувчи тақсимланган реестр технологияси. У барча транзакцияларнинг бузғунчиликка қарши ёзувини тақдим этиш орқали ўғирликнинг олдини олиш учун ишлатилиши мумкин, бу фирибгарларга молиявий ёзувларни бошқаришни қийинлаштиради;

Ta'limning zamonaviy transformatsiyasi

- сунъий интеллект: реал вақт режимида молиявий операцияларни таҳлил қилиш ва ҳар қандай қоидабузарлик ёки шубҳали фаолиятни аниқлаш орқали ўғирликни аниқлаш ва олдини олиш учун ишлатилиши мумкин.
- Сунъий интеллект тизимларидан текшириш жараёнларини автоматлаштириш учун ҳам фойдаланиш мумкин, бу эса ҳар қандай фирибгарлик (ноқонуний) фаолиятини аниқлашни осонлаштиради;
- катта маълумотлар таҳлили (big data): ҳар қандай фирибгарлик фаолиятини аниқлаш учун катта ҳажмдаги молиявий маълумотларни таҳлил қилишда ишлатилиши мумкин. Турли манбалардан олинган маълумотларни таҳлил қилиш орқали катта маълумотлар таҳлили ўғирлик ёки талон-торожликни кўрсатиши мумкин бўлган номувофиқликларни аниқлаши мумкин, бу назорат органларига бундай фаолиятнинг олдини олиш учун тезкор чоралар кўриш имконини беради.

Бизнинг фикримизча, рақамли технологияларни иқтисодиётга ва назорат идоралари фаолиятига жорий этилиши ва интеграциялашуви келгуси бир неча йил учун истиқболлидир, сабаби буни биз рақамли лойиҳаларнинг жамиятда ривожланиш тенденциясидан ҳам кўришимиз мумкин.